

# Qishloq hayoti

## Кишлoқ ҳaётi

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi [www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz)

2013 йил Обод турмуш йили  
2013-YIL 2-AVGUST, JUMA, 94 (8175)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan  
Bahosi kelishilgan narxda.

Қадр-қимматим, таянғым ба ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИДАГИ СИНОВ

1 август куни юртимиздаги  
барча олий ўқув юртларида  
тест синовлари бўлиб ўтди

Ёшлик – орзулас олами. Табиийки, уларнинг амалга ошиши учун ҳаракат, тинимсиз изланиш, мустаҳкам ирова талаб этилади. Мустақил ҳаётнинг ilk қадами қасб танлашдан бошланади, десак муболага бўлмайди. Қасни эгаллаш учун эса хоҳишу қизиқишдан ташқари, мустаҳкам пойдевор – билим ҳам керак бўлади.

Айни кунларда барчамизнинг ҳаёлимизни бирровигина бўлса-да банд этган бир жараён бор. Яъни кимнингдир фарзанди, ё қариндоши, ҳеч бўлмагандан таниши олий ўқув юртига кирмоқчи. Аудиторияларда тест синовларини топшираётган йигит-қизлар ҳам, имтиҳон олаётган ўқитувчилар, ҳатто фарзандларининг синовдан муваффакиятли ўтишини кутаётган ота-оналар ҳам бирдек ҳаяконда.

Кеча талаба бўлиш, шу юрт корига ярашдек эзгу мақсадни дилига жо айлаган йигит-қизлар ўз билимларини синовдан ўтказди. Бунда адолат мезоналарига тўла жавоб берадиган тест синовлари муҳим аҳамият қасб этди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида ўзи танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлишга интилаётган ёшларимизнинг сони тобора ортиб бораёттир. Бу юртимизда мустақиллик йилларida барча соҳаларда олиб борилган туб ислоҳотлар, хусусан, ёш авлоднинг етук маънавиятли, билимли ва малакали мутахассис бўлиб камол топишига қаратилаётган юксак эътибор самараасидир. Зотан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим тизимини ривожлантиришга доир бошқа қатор хуқуқий-меъёрий хужжатларнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад ҳам шу аслида.

(Давоми 2-саҳифада)



## САҲИФАЛАРДА:



# МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИДАГИ СИНОВ

(Боши 1-сахифада)

Айтиш жоизки, жорий йилда кириш имтихонлари Президентимизнинг 2013 йил 11 июнодаги “2013/2014 ўкув йилда Узбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ўтказилди. Ушбу ҳужжатда олий ўкув юртларига талабаларни қабул килиш квоталари тасдиқланган.

Ҳужжат мамлакатимиз иктисадиёти тармоқларида ва министракаридан талаб этиладиган ихтиносликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иктисадий ривожлантириш, иктисадиёт таркибини модернизациялаш хамда диверсификациялаш истиқболларини хисобга олган ҳолда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларини янада муко-билиштириш ва унификация килиш мақсадида қабул қилинган.

Унга кўра, янги ўкув йилида бакалавриат йўналишининг биринчи курсига 56607 нафар талаба қабул қилинади. Уларнинг 19120 нафари давлат гранти ва 37487 нафари тўлов контракт асосида таълим олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси хузуридағи давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра,

жорий йилда мамлакатимиз олий ўкув юртларига 480407 нафар абитетиент ҳужжат топширган. Бу ўтган йилги абитетиентлар сонига қараганда олий таълим муассасаларига 48390 нафардан зиёд абитетиент ҳужжат топширди, дегани. Ушбу кўрсаткич ҳам юртимизда ёшлар орасида илмга интигувучан йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб, тест синовларида ўзаро рақобат йилдан-йилга ортиб бораётганидан да-лолат беради.

— Мен Қашқадарё вилоятининг Китоб туманиданман, — дейди Достон Янгибоев. — Педагог бўлиш ниятида ҳужжатларимни Низомий номидаги Тошкент давлат университетининг математика-информатика факультетига топширган эдим. Бугун тест синовларини топширдик. Ўқиб-ўрганган саволларимиз тушди. Албатта, талаба бўлишимга ишонаман.

Бугун юртимиз ёшларининг юз-қўзларидан, бурро-бурро сўзларидан талаба бўлиш иштиёки, ўз билим ва кўнижмаларига бўлган ишончни уқиб олиши кийин эмас.

Яна рақамларга тўхталадиган бўлсан, бу йил Термиз давлат университетида қабул квотасига нисбатан бир ўринга 14,9 нафар абитетиент тўғри келган бўлса, Гулистон давлат университетида бир ўринга 14,6 нафар, Қарши, Андижон,



Аъло АБДУЛЛАЕВ, Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Фарғона давлат университетларида ҳам ҳужжат топширган абитетиентлар сони қабул квотасига нисбатан ўртacha 13 нафар ва ундан юкорини ташкил этди. Агар ушбу рақамларни ўтган йиллар билан таҳлил этидиган бўлсан, 2005 йилда бир ўрин учун 4,7 абитетиент курашган бўлса, 2006 йилда бу рақам 5,4 кишига етган. Ўтган 2012 йилда эса бир ўрин учун 7,6 киши даъвогарлик қилган. Жорий йилда мазкур кўрсаткич яна янгиланиб, республика бўйича ўртacha танлов 8,5 ўринни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, жорий йилда мамлакатимиз олий ўкув юртларига билим уфқи кенг, муносиблар ичра муносиб ўғил-қизлар танлаб олинади.

— Бу йил Зомин тиббиёт коллежини тамомладим, — дейди жиззахлик Лола Норбоева. — Тиббиёт соҳасига бўлган кизиқишим туфайли янада билимларимни бойитиш, шу соҳанинг етук мутахассиси бўлиши мақсадида ҳужжатларимни Тошкент давлат педиатрия

институтига топширдим. Тест саволларига кўнгилдагидек жавоб белгиладим.

Ха, яқин кунларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўқиб-изланган, ўз устида тиним билмай ишлаб, билимларни пухта эгаллаган минглаб ёшлар ўзлари танлаган соҳа ва мутахассислик бўйича таълим олиш имкониятини кўлга киритиб, мамлакатимиз талабалари сафига кўшилади.

... Абитетиентларниң ҳаяжони чексиз. Олий таълим даргоҳи, бугунги синов онлари ўкув юртларини янада жозабали, сирли қилиб кўрсатади, талабаликнинг олами ҳақида сўз очаётгандек бўлади. Бу эса абитетиентларниң шу даргоҳда ўқишига бўлган ҳавасини, “ўқишига кира олар-миканман” деган ҳаяжонини янада оширади. Уларнинг тест синовлари жавоби мувоффакиятли бўлиб, талаба деган номга муссар бўлишига омад тиладик.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## ЭКОЛОГИК НАЗОРАТДА ЖАМОАТЧИЛИКНИГ ЎРНИ

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукусда «Фуқаролик жамияти институтлари-нинг жамоатчилик экологик назоратни амалга ошириш соҳасидаги роли ва ўрни» мавзуида давра сұхбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экохарарат депутатлари гурухи, Узбекистон экология ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси худудий бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Давра сұхбатида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П.Реймов “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳаси ташкилотларимиз томонидан чукур ўрганилиб чиқилди, — дейди Ўзбекистон

надавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Қорақалпоғистон ресурс марказининг раҳбари Гулнора Жапакова. — Бугунги кунда Оролбўйида 400 га яқин надавлат нотижорат ташкилотлар фаолият олиб бораётган бўлса, шундан 5 таси айнан экология, 12 таси эса соғлиқни сақлаш соҳаси билан шуғулланмокда. Ўтган давр мобайнида атроф-мухитни муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида қатор тадбирлар ўтказилди.

Давра сұхбатида иштирокчилар томонидан билдирилган таклифлар бўйича тегишли қарор қабул килинди. Давуд АБИБУЛЛАЕВ

## ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН



Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида  
Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишиланган “Тошкент:  
кеча ва бугун” мавзусидаги бадиий кўргазма очилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаси ҳамкорлигидан ташкил этилган мазкур кўргазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаси раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори М.Хазраткулов, Ўзбекистон халқ рассоми Ж.Умарбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида йиғирма иккى йил аввал кўлга киритилган истиқтол мамлакатимизда янги ҳаёт, янги

жамият асосларини барпо этиш, соғлом ва мустақил тафаккури, баркамол авлодни вояга етказиш, инсон омилига устувор аҳамият қартиш, барча соҳаларда асрларга татиғулик ислоҳотларни амалга ошириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятиядаги нуфузи ва обрўсими юксалтиришга кенг йўл очиб берганини таъқидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июнода қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма иккى йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорига биноан кўтарилиши, шоду хурматли билан ўтказилаетган тадбирларда бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Истиқтол йилларида Тошкент шаҳри кўркам ва замонавий қиёфа касб этиди. Пойтахтимиз нафақат мамлакатимиз, балки жаҳоннинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иктисадий-молиявий ва маъ-

навий-маърифий марказларидан бирига, қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмани ўзида мужассам этган йирик мегаполисга айланди. Президентимиз ташаббуси билан Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи кенг нишонланди.

Мустақиллик йилларида Тошкентда кўплаб муҳташам иншоотлар, ижтимоий обьектлар, маънивият ва маърифат масканлари, замонавий турар-жойлар, сўлим хиёбонлар, маданият ва истироҳат bogлари, кенг ва равон йўллар, кўприклар, спорт-соғломлаштириш марказлари бунёд этилди. Пойтахтимиз айни пайтда халқаро миқёсдаги анжуманлар, форумлар, кўргазмалар, йирик фестиваллар, санъат байрамлари марказига айланди. Тошкент жаҳондаги ижтимоий барқарор, тинч, экологик жиҳатдан тоза ва покиза шаҳарлардан бири сифатида кенг эътироф этилмоқда. Айни пайтда бу гўзал шаҳар кўпмиллатли ҳалқимизнинг фахри ва гурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тимсолидир.

“Тошкент: кеча ва бугун” мавзусидаги бадиий кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам истиқтол йилларида Тошкентда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини фотография, рангтасвир асарлари воситасида намойиш этиш, ёшлар онгига тинч ва осойишта, саодатли кунларимизнинг, истиқлонинг қадрига этиш foяларини чукур сингдиришдан иборатdir.

Кўргазмадан профессионал ва ҳаваскор мусавиirlар, фотоижодкорларнинг уч юздан ортиқ ижодий иши ўрин олган. Уларда Тошкентнинг кечаги куни, бугунги тараққиёт, обод маҳаллалари, муҳташам бинолари, тўкин ва фаровон бозорлари, умрбокий анъана ва қадриятлари, баркамол авлод келажаги йўлида кўрсатилаетган чекиз мөхр ва эътибор ак эттирилган.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири.



# Ҳаётидан-мамнун-одамлар

ЎЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ УЛУФ ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА САФАРБАР ЭТМОҚДА

**Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз айёми – Мустақиллик байрамини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу йилги байрамимиз “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” деган шиор остида ўтказилади. Мазкур шиор мамлакатимизда тинч ва тўкин ҳаёт кечираётган ҳар бир инсон қалбидаги фахру гурур, баҳтиёрлик ҳамда шукроналик туйғуларининг ёрқин ифодасидир.**

**Мана 22 йилдирки, халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидан бормоқда. Бу йўлда турли синов ва машаққатларга қарамай, ўз бунёдкорлик салоҳиятини ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топған демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ ва эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга сафарбар этмоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда юртдошларимизнинг дунёқараши, турмуш тарзи тубдан ўзгаргани ҳам, уларнинг ҳаётта, меҳнатга муносабати тобора юксалаётгани ҳам айнан мустақиллигимиз самарасидир.**

## ЕРГА МЕХР – ЭЛГА МЕХР

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимиз фарновонлигини оширишда қишлоқ хўжалигининг аҳамияти катта. Шу боис, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан аграр соҳани изчил ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби масалаларга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ килишда аҳолини энг зарур озиқ-овқат махсулотлари, жумладан, ун ва ун махсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани барчамизга яхши маълум. Бунинг натижасида мамлакатимиз қисқа муддатда нафақат дон мустақиллигига эриши, балки ғалла экспорт қўлувчи давлатлар қаторига кўшилди. Мустақиллигимизнинг илк кунларида республикамизда ғалла экинларининг ўртача ҳосилдорлиги атиги 17 центнерни ташкил этганини қўпчилик билади. Бу кўрсаткичнинг жорий йилда 55 центнерга етказилгани эса заминимизнинг нақадар унумдор, дехқонларимизнинг ҳақиқий омилкор эканидан далолатиди.

Мустақиллик йилларида қишлоқларимизда мулкчиликнинг хусусий шаклини ривожлантиришга қаратилган ислочотларнинг изчил амалга оширилиши аграр соҳадаги ўзгаришларни янги босқичга кўтаргани билан мухим аҳамият касб этди. Фермер хўжаликларини ташкил этишда ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан мулк сифатида узоқ муддатга ижарага берилиши фермерларнинг ерга, ўз мулкига нисбатан эгалик туйғусини шакллантириди ва мустаҳкамлadi.

Мамлакатимизда фермерлар ривожига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳақида сўз боргандан, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллашти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини эслаш жоиз. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш максадида алоҳида жамғарма ташкил этилди. Сўнгги беш йил давомида ушбу жамғарма орқали 800 миллиард сўм маблаг ажратилиб, 1,2 миллион гектардан ортиқ сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилаш каби масалаларга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

– Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлашириш ва уларни этиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса соҳа ривожида навбатдаги мухим босқични бошлаб берди, – дейди Сирдарё туманинаги “Амир Темур” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Неъмат Раҳматуллаев. – Пахта экиладиган ерларни қисқартириш ҳисобига ғалла майдонлари ва бошқа озиқ-овқат экинлари этиштириладиган ерларнинг кенгайтирилгани халқимиз фарновонлигини янада оширишга пухта замин яратди. Фермер хўжалигимиз мисолида айтсан, кейинги йillardарда ҳосилдорлик ва даромадимиз тобора ортятти. Ўтган йили биргина пахтациликдан олинган даромад 150 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилги мавсумда 41 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан дон ўриб-йигиб олдик. Бундан ташқари, 5 гектар майдонданда ташкил этган интенсив борғимиздан баракали ҳосил олиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қиляпмиз. Ярим гектар ерда эса балиқ этиштиришни йўлга қўйганмиз. Серкүёш, энг мухими, одамларнинг эркин ва фаровон яшаши учун кенг имкониятлар яратилаётган юртимизда завқу шавқ билан ишламай бўладими?! Бундай имкониятлар янайақси юртда яратилган ўзи?

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ри-

вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан фермерлар кенгашлари ташкил этилгани соҳа самара-дорлигини оширишда янада бир мухим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Чунончи, фермерлар кенгашлари фермер хўжаликларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда яқиндан кўмаклашмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, соҳага самарали технологияларни татбиқ этиш каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашда ҳам уларнинг роли тобора ошмоқда.

– Фермерлар кенгашларининг ташкил этилгани молиявий барқарорлигимизни мустаҳкамлаш, ер-сув ва моддий-техника ресурсларидан янада оқилона фойдаланишимиз учун янги имкониятлар яратди, – дейди Бухоро вилояти Пешку туманинаги “Фаттоев” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши аъзоси Ёқуб Фаттоев. – Жорий йилда хўжалигимиз ихтиёридаги 147 гектар ер майдонининг 35 гектарида ғалла этиштиридик. 43,7 гектар ерда ғўза парваришлайпмиз. 40 гектар майдонда мевали боф барпо этганмиз. Еримизнинг 27 гектарида чорва озукаси, 2 гектарида эса сабзавот ва полиз экинлари этиштирилади. Хўжалигимизда кейинги иккӣ йилда пахта ҳосилдорлиги 6 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 16 центнерга ошди. Жами даромадларимиз ҳажми 349,6 миллион сўмга етди. Президентимизнинг ҳар бир фермер мулқдор сифатида ўз маҳалласи, қишлоғини обод қилишда фаол иштирок этиши лозим, деган даъватига жавобан 1 та умумий овқатланиш, 2 та майший хизмат кўрсатиш мажмусини қуриб, ишга туширидик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қишлоқлар инфратузилмасини изчил ривожлантириш қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш орқали уларнинг турмуш даражасини янада

да юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўлами ишларда ҳам фермерларнинг салмоқли хиссаси бор.

## ҚИШЛОҒИМИЗ КЎРСА КЎРГУЛИК

Жонажон юртимизнинг ҳар бир қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган ўй-жойлар асло шаҳардагилардан қолишмайди. Уларда халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, худудларимизнинг ўзига хос табиий иқлим шароити, шунингдек, замонавий мұхандислик коммуникациялари уйғулнашган.

Маълумотларга кўра, 2009–2012 йиллар давомида республикамизнинг қишлоқ аҳоли пунктларида 23 минг 500 дан зиёд шинам ва замонавий ўй-жойлар курилган. Биргина ўтган йилда 272 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 8 минг 510 та якка тартибдаги ўй-жой фойдаланишга топширилди. Ушбу массивларда 437 та ижтимоий-маший объектлар, жумладан, 15 та умумтаълим мактаби, 30 та қишлоқ врачлик пункти, 109 та савдо мажмуаси, 90 та новвойхона, 80 та маҳалла гузари, 42 та дехқон бозори, 33 та минибанк, 47 та майший хизмат кўрсатиш шоҳобаси барпо этилгани алоҳида ўйғулнашган.

Жорий йилдан эътиборан қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 8 минг 510 та якка тартибдаги ўй-жойларни сотиб олган юртдошларимиз, улар ипотека кредитларини тўлиқ қоплагунга қадар мулк солиғини тўлашдан озод қилингани ҳам мамнуният билан кутиб олинди.

Қишлоқларимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари халқаро миқёсда ҳам катта қизиқиши ўйғулмоқда. Чунончи, шу йилнинг 17 апрелида пойтактилизда ўтказилган “Замонавий ўй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари янги масивларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган ўй-жойлар билан яқиндан танишиб, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ўз самарадорлиги ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш бўйича кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини маълум қилганини айтиш жоиз.

Халқимизнинг кўркам, шинам ва яшаш учун зарур шароитлар мұхайё этилган замонавий ўйларга эга бўлиши ҳам мустақиллигимиз самарасидир. Қишлоқларимиз қиёфасини янгилашга қаратилган, дунё аҳли ҳавас қилса арзигуллик ислоҳотларнинг изчил давом эттирилаётганидан, мазкур жараённи зарур маблағлар билан таъминлаш, аҳолига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш борасидаги фаолияти самарали бўлмоқда. Дарвоҷе, жорий йил охиригача қурилиши кўзда тутилган ўй-жойларнинг 8 минг 182 таси “Қишлоқ қурилиш банк” очик акциядорлик-тижо-

Фарфона Вилояти

# ФАОЛИЯТ ТАРМОГИ КҮП, ДАРОМАД МАНБАИ ХҮБ

**Фермерга омад ёр бўлмоқда. Шу сўзларни ёзди-му ўйланиб қолдим: айримлар ўйлаганидек, омад ўз-ўзидан келмайди-ку?! Унинг замираиди заҳматли меҳнат, беҳаловат кунлару уйқусиз тунлар, узлуксиз изланиш, одамлар қалбига йўл топиш, ҳар бир боғбону миришкор дехқон билан юзага келган муаммолар ечимини топиш учун бош қотиришга тўғри келиши хаёлимдан ўтди.**

Ҳак гапни айтадиган бўлсак, фермерлик ҳаракати бошланганда айрим одамлар унга ишонқирамай қарашганди. Баъзи раҳбарлар эса фермерларга буйруқ беришдан нарига ўтишмагани ҳам бор гап. Аммо давр фермерлик ҳаракатининг истиқболли эканлигини намоён этди. Фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёзишида соҳанинг хукукий қонунчилик базаси мустаҳкамлангани муҳим аҳамият касб этиди. Хусусан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши хукукий асос-пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Соҳада кучли хукукий асос яратиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, фермерларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини тъминлади.

Бунинг самарасини эса бугун ҳаётимизда, бозорларимизда тўкинилк, дастурхонимиздаги баракада кўриб турибиз. Бугун фермерлар маҳсулот етиширибина қолмай, уни қайта ишлаб, сервис, қурилиш, инфратузилмани ривожлантириб аҳоли бандлиги ҳамда турмуш даражасини яхшилашда мунособ улуш қўшишмокда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар қишлоқ мулқорларига таянч бўлмоқда.

— Мазкур Фармонга асосан фермерлар учун ривожланишнинг истиқболли эшиклари кенг очилди, — дейди биз билан сұхбатда Куба тумани-

даги кўп тармоқли “Оқ олтин” фермер хўжалиги раҳбари Ҳурматилло Ҳакимов. — Вилоят, туман Фермерлар кенгаси тузилиб, янги куч ва мақомдаги фаолиятларини бошлаб юборишид, малака мутахассислар, хукуқшунос кадрлар фермерларнинг яқин маслаҳатгўйига айландилар. Фермер хўжаликлари самарали ишлашлари учун янги замонавий техника жиҳозлари билан изчил таъминлаш йўлга кўйилди. Ердан самарали фойдаланиш, сара ургуларни экиш, борингки, фермер хўжаликлари равнасини таъминлашга хизмат қиласидан чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани қишлоқ мулқорларига куч, қанот баҳшида этмоқда.

Фермернинг завқ-шавқ билан бошлаган сұхбатини тинглаб, унинг дала-сига оширилди. Буғдойзорда ўрим-ийғим яқунланиб, дала шудгорланган. Бошка томонда эса меваси фарқ пишган боғ-роғлар, узоқдан кўзга ташланниб турган фишт заводи, яқинроқ борсангиз қанотларини кўтариб, сизга томон келаётган фозлар, ўрдаклар кўлда сузиг юрганинг гувоҳи бўласиз. Бир томонда иссиқхонада бодринг, помидор, турли хил резавор кўкатларни ўстирилганига, яна бир томонда кулолчилик устахоналарига кўзингиз тушади. Алоҳида жойда паррандачилик ривож топаётганига гувоҳ бўлдик, замонавий цехда эса макарон маҳсулотларини ишлаб чиқараётган оқ халатли

ёш йигит-қизларни кўриб кувондик.

— Бу йил коллежларни битирган ёшларни ишга қабул килиш учун тикивчилик, каштачиликни йўлга кўйик, — дейди қишлоқ мулқори. — Ёшлар келажагимиз, уларни иш билан таъминлаш эса бизнинг вазифамиз. Бу йил фалла ҳосили мўл бўлди. 51,2 гектар ердаги фалланинг ҳосилдорлиги 60 центнердан ошиди. Бу, энг аввало, хўжалигимиз иктиносидини мустаҳкамлаш, моддий-техника базасини янгилаш, пировардиди иш унумдорлигини оширишда мухим омил бўлади. Колаверса, режадан оргтан фалла хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги оширишга хизмат қиласиди. Юқори ҳосилдорлиқдан руҳланган жамоамиз аъзолари пахтадан ҳам баракали хирмон яратиш максадида меҳнат қилишмокда.

Фермер хўжаликларининг кўп тармоқли бўлиб бораётганилиги фоят эътиборлидир. Чунки кўп тармоқда даромад ҳам кўп бўлади. Колаверса, ҳар бир тармоқ янги иш ўринлари яратишга хизмат қиласиди.

Фермерлик ҳаракати қишлоқларининг ободлиги, одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланадигани Ҳурматилло Ҳакимов бошчилигидаги “Оқ олтин” фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Омад ҳамиша ёр бўлсин, қишлоқ мулқори, дея ният билдиригимиз келади.

Нематжон ҲАСАНОВ

Самарқанд Вилояти



## АСАДНИНГ ҲАР ДАМИ ҒАНИМАТ

**Пастдарғом тумани пахтакорлари ёзнинг ҳар кунидан унумли фойдаланган ҳолда ғўза парваришини олиб боришишмокда. Бу йил тумандаги 650 га яқин фермер хўжалиги қарийб 46 минг тонналик пахта хирмони яратишни ният қилишган.**

Ғўзалар шу кунгача уч марта тўлиқ сувдан чиқди, риссоладаги ишлов берилди. Об-ҳавонинг ноқулай келганини боис, ниҳолнинг ривожи ўтган йилдагиларга нисбатан ўн-ўн беш кунга кечикканди. Қатъян режа асосида олиб борилган агротехник тадбирлар тифайли аксарият пахта майдонлари бултурги ривожланиш палласига етказиб олинди. Бу борада “Пардабой Мирзакобилов”, “Алтурин”, “Умсин момо”, “Чархпалакобод” каби фермер хўжаликларида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилди.

“Унумдор” фермер хўжалиги ҳам тумандаги илгорлар сафидан тушмай келади. Ҳам фалла, ҳам пахта борасидаги шартномавий режалар ҳар или ошиғи билан бажарип келинади.

— 138 гектар майдонда дехқончилик қиласиди, — дейди

ди фермер Бурхон Нурмуҳаммедов. — Шунинг 58 гектаридаги ғўзанинг “Бухоро-102” наини парваришлайамиз. Уруғлик пахта етишириб беришни зиммамизга олганлигимиз боис, ғўза парваришини ҳам шу асосда олиб боряпмиз. Таъкидлаш керакки, бу йил ерга чигит қадаш пайтида тинимсиз ёқсан ёмғир мавсумни анча кечиктирди. Шу сабаб, ғўза ниҳоллари ривожи ўтган йиллардагига нисбатан ўн-ўн беш кунга ортда қолди. Ҳақиқий дехқон учун табиат нокулайликлари баҳона бўлолмайди. Ғўза ниҳоллари униб чиққанданоқ асосий эътиборни агротехник тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказишига қаратдик. Ўтган йили шу кунгача икки марта сугорилган бўлса, бу йил ғўзалар уч бора сувдан чиқди, баъзи пайкалларга тўртинги-

чи бор сув тараляпти. Ғўза қатор ораларига ўз вақтида, сифатли ишлов берилди. Экин минерал ўғит билан озиқлантирилди. Сугориш ишлари фақат “шарбат” усулида амалга оширилди. Далага чиқарилган махаллий ўғитлардан ташқари, ҳар гектар майдонга қўшимча равишида йигирма тонна товук гўнги “шарбат” усулида оқизилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ғўза ривожида дала-да меҳнат қиласидан сувчиларнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабаб, фермер хўжалиги раҳбари режадан ортган фалла ҳисобидан уларга ўттиз икки тонна буғдој тарқатди.

— Иш суръатини сусайтири-май, парвариши оби-тобида олиб бораверамиз, — дейди фермер. — Ахир тажрибали дехқонларимиз бежизга айтишишмаган: асаднинг ҳар дами ғанимат. Демакки, бугунги меҳнат мўл ҳосилга гаров.

Акбар ҚАРШИЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Қашқадарё Вилояти

## ЛОЙИХА ПУХТА БЎЛСА...

**Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ҳусусан, мелиорация ва ирригация тармоқларидаги изчил ишлар натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, тупроқ унумдорлиги ошиди. Пахта, фалла ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги кескин кўпайди. Бу эса қишлоқ мулқорларининг ерга, меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириди.**

Тажрибали лойиҳачилар билан бирга изланувчан ва иқтидорли ёшларни бирлаштирган жамоамиз ҳам тармоқда олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ўзининг мунособи ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Ўтган йилнинг сентябрь ойидаги ташкил қилинган корхонамиз сув хўжалиги тизимида иншоотларни таъмирлаш, тиклаш ҳамда ирригация ва мелиорация бўйича лойиҳа ишларини бажарип келмоқда.

Обод турмуш йилида тўлиқ ишга киришдик. Дастрлаб Косон туманида жойлашган “Гувалак” насос станциясидаги канални тозалаш учун механизмлардан фойдаланиш бўйича лойиҳани ўз вақтида тайёрлаб бердик. Ғузор туманидаги вақтинчалик ёрдамчи насос станциясини куриш (бир сониядаги 6 кубометр сув ўтказиш кувватига эга) бўйича лойиҳа хужжатларини ҳам муддатидан олдин тайёрлашга эришдик. Бундан ташқари, Муборак газни қайта ишлаш заводи ёрдамчи хўжалигида лойиҳа ишлари қисқа муддатда адо этилди. Айни пайтда эса Китоб, Шаҳрисабз туманларида коллектор, дренаж тармоқларини механизмлар билан тозалаш ишларининг лойиҳасини тайёрлайпмиз. 67 километр масофада олиб бориладиган бу юмушларни механизмлар билан тозалаш ўта мураккаб жараён саналади. Шу боис, бу ишларни тез ва сифатли амалга оширишда ҳар томонлама мукаммал лойиҳа ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу борада Хайрулло Маҳмудов, Баҳром Раҳматов, Абдулло Бердиев каби лойиҳачиларимиз олиб бораётган изланишлар ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан тўла асосли эканлиги билан эътиборга моликдир. Умуман олганда, корхонамизда олиб борилаётган чора-тадбирлар жорий йилдаги лойиҳа ишларини тез ва сифатли амалга ошириш имконини беради.

Режаларимиз кўп, мақсадимиз улкан. Баридаги бир маъно мушкиссам: ўртга хизмат қилиш. Албатта, бунинг учун ҳам пухта лойиҳалар керак, катта меҳнат зарур. Аҳил жамоамиз билан бунга эришишга ишонамиз. Имконият бор, шароит етарли. Муҳими, шу.

Орифназар ИМОМНАЗАРОВ,  
Қарши шаҳридаги “Насаф” маҳсус сув қурилиш, таъмирлаш, созлаш” МЧЖ раҳбари.

Мутахассислар ҳисоб-китоблариға кўра, ҳозирда дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшайди. 2025 йилга келиб, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви танқис ҳудудда яшаши мумкин. Сув муаммоси бизнинг минтақамиз учун ҳам долзарбди.



МЕДИАТУР

## ОАВ – СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТАРГИБОТИДА ЯҚИН КЎМАКЧИ



Маълумки, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган талаби асосан трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарё ҳисобига қондирилади. Кузатишларга қараганда, 2020 йилга бориб иқлим ўзгариши, глобал ҳароратнинг ошиши туфайли мазкур дарёларни сув билан тъминлаётган музликлар захирасининг 15-20 фоизга камайиши кутилмоқда. Тоғ музликлари ҳажми йилига 0,2-1 фоиз атрофида камайиб бораётгани, тоғ дарёлари ҳавзаларида қор захиралари тобора қисқараётгани фикримизнинг исботидир. Иқлим ўзгариши туфайли минтақамида ёз фаслига хос қуруқ ва иссиқ давр чўзилади. Ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалиги экинларини сурориш меъёрий йилдан-йилга ошиб, эҳтиёж янада ортади. Мазкур рақамларни келтиришдан муддао, албатта, таҳликага солиш, кўрқитиш эмас балки инъом этилган барча неъматларнинг энг азизларидан бири бўлмиш обиҳаётни тежаб, исрофгарчиликка йўл қўймасдан оқилона фойдаланишини тарғиб қилиш. Айни шу мақсадда Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Глобал сув ҳамкорлиги ташкилотининг Марказий Осиё ва Кавказ бўлимни ҳамкорлигидаги «Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига медиатур уюштирилди. Унда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларининг фотомухбирлари, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган но давлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва мутахассислар иштирок этдилар.

Тадбир давомида иштирокчилар минтақамиздаги сув ресурслари жумладан, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш масаласида мутахассисларнинг маърузаларини тинглаб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, «Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси

га қарашли Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган сув иншоти — гидроузел фаолияти билан танишиш имконига эга бўлишиди.

— Чирчиқ дарёси ҳам трансчегаравий дарёлар сирасига киради. Унинг юқори оқими Қирғизистон ва Қозогистон ҳудудидан, ўрта ва кўйи оқими эса мамлакатимиз ҳудудидан ўтиб, яна бир трансчегаравий дарё — Сирдарёга қўшилади, — дейди Юқоричирчиқ сув иншотлари бошқармаси бошлиғи Улуғбек Баратов. — Мазкур гидроузел асосан сувни тўғри тақсимлаш функциясини бажаради. 14 та шиттусик мосламаси ёрдамида сув оқими назорат қилиниб, тошқинларнинг олди олинади. Ва ўз ўрнида маълум қисми Тошкент вилоятининг бир нечта туманлари аҳолиси эҳтиёжи учун етказиб берилади. Мазкур гидроузелнинг алоҳида аҳамиятли томони шундаки, у тўлиқ компьютерлаштирилган ҳолда фаолият юритади. Сув сатҳи, оқим тезлиги ва ҳоказо каби кўрсаткичлар авваллари кунига уч маротаба “кўлда” ўлчанарди. Бунинг ўзига яраша нокулайликлари кўп эди. Ҳозирги кунда эса маҳсус мосламалар барча зарур маълумотларни ҳар 10 дақиқада компьютерга узатади. Шиттусикларни очиш, ёпиш зарур микдордаги сувни ўтказиб юбориш билан боғлиқ барча юмушлар ҳам компьютер ёрдамида амалга оширилади. Ўзбекистонда жами ўндан ортиқ сув иншотларида компьютерлаштирилган тизимдан фойдаланилади.

— Мазкур типдаги иншотларнинг яна бир аҳамиятли томони бор, — дейди Глобал сув ҳамкорлиги ташкилотининг ҳудудий вакили Владимир Соколов. — Минтақадаги сув танқислиги трансчегаравий сув манбаларидан фойдаланишда эътиборли ва ўта эҳтиёктар бўлиши талаб этмоқда. Сувни барчанинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда адолатли тақсимлаш жуда муҳим. Бунда эса айнан компьютерлаштирилган тизим қўл келади. Ушбу сув иншотидан мунтазам равища олиб туринган маълумотлар марказий компьютерда ҳам акс этади. Бу, авваламбор, холис, аниқ, ишонарни маълумотга эга бўлиш имкониятини беради. Колаверса, сув ресурсларни тўғри тақсимлаш, назорат қилишда катта кулайлик яратади. Агарда Марказий Осиё минтақасидаги барча сув иншотларида шундай курилмалардан фойдаланиш жорий этилса, кўплаб муаммолар ечиними топишига катта ёрдам берган бўларди, деб ўйлайман. Билишимча ҳозирда қозогистонлик ҳамкаслар компьютерлаштирилган тизимни жорий этиш, бу борадаги ўзбекистонлик сувчилар тажрибасини ўрганиш устида иш олиб боришмоқда.

Шунингдек, тадбир давомида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган экожурналистика Республика танлови ҳақида ҳам сўз борди. Жорий йил ўн иккинчи бор ўтказиладиган танловда ташкилотчиларнинг маълум қилишиб, кўшимча маҳсус номинация бўйича фототанлов ҳам ўказилади. Унга сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоларига бағишиланган, шунингдек, сув иншотлари фаолияти акс этган суратлар қабул қилинади.


Азиз НУРУЛЛАЕВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.  
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

АНЖУМАН



## КУРАШИМИЗ ДОВРУГИ ДОВОН ОШМОҚДА

«Ҳалол», «Ёнбош», «Чала». Бу иборалар неча минг ийллик тарихга эга бўлган ўзбек миллий курашига тааллуқли. Улар кураш жараёнидаги, маълум босқичи ёки якунидаги ҳолатни, ишқибозлар, ҳакамлар хуласаю эътирофи маъномиятини англатади. Халқимизнинг қадимий қадриятларидан бири бўлган мардлик, инсонийлик, ор-номус ифодаси санаған курашга мустабидлик даврида етарли эътибор берилмади, уни камситиш ҳолатлари кўзга ташланди, ўзбек полвонлари қадр топмадилар.



Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлабоқ Президентимиз томонидан ижтимоий-иқтисолид, маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва бошқа жабхаларда туб ўзгаришларга қўл урилди. Энг аҳамиятлиси шундаки, барча соҳалардаги эвилишлар изчили тизимга асосланган ҳолда амалга ошириб келинмоқда. Ўзбек курашини ҳалқаро майдонга олиб чиқиш, дунё миқёсида эътироф этилишига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар энг муҳим йўналишлардан биридир.

